



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2022

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуридинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербургда Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Саниова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Раҳбархон Муртазаева ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ.....	6
2. Дилором Бобожонова ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	17
3. Баҳодир Эшов ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ.....	26
4. Зумрад Раҳмонкулова МАҲМУД АМИН АФАНДИ “ИСТАНБУЛДАН ЎРТА ОСИЁГА САЁҲАТ”.....	34
5. Манзура Аминова ИБН ХОЛДУН ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ.....	41
6. Тўлқин Ахмедов ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИ: МАЪМУРИЙ ЭҲТИЁЖ ЁКИ МАДАНИЙ ЯҚИНЛАШУВ ЗАРУРИЯТИ?.....	48
7. Мансур Бойсариев ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	56
8. Фируза Жуманиязова ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ДАВРИЙ НАШРЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (1941–1945 йиллар).....	64
9. Мухаммаджон Исамиддинов АНТИК ДАВР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.....	70
10. Баҳыт Кошанов, Ҳакимбай Отегенов, Гулчехра Ержанова ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ.....	79
11. Shohruhbek Mamadaliyev TURKISTON SHAHARALARIDA OCHLARGA YORDAM KOMISSIYASI FAOLIYATI TARIXIDAN.....	87
12. Gulnora Maxkamova XX ASR SAMARQAND KASHTALARI: XILLARI, USLUBLARI, ORNAMENT REPERTUARI (SAMARQAND DAVLAT MUZEYI NAMUNALARI MISOLIDA).....	93
13. Уктамжон Мансуров VI – XI АСРЛАР СУҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ.....	100
14. Шоназар Матякубов XVI- XVIII- АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИДАН БИРИ-КУЛОЛЧИЛИК ТУРИ ТАВСИФЛАРИ.....	105

15. Отабек Махмудов «МИЛЛИЙ ТАРИХ» ВА «ТАРИХ ТАЪЛИМИ»ДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»НИНГ АҲАМИЯТИ (лотин тилли тарихий манбалар ва замонавий ўзбек илмий адабиётининг қиёсий таҳлили медиевистик талқинда).....	109
16. Sayyora Mirsoatova, Aхrorbek Muxsidinov O‘ZBEKISTONDA MEZOLIT DAVRI YODGORLIKLARINING O‘RGANILISHI HAQIDA.....	122
17. Зухра Ражабова ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИННИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	128
18. Мафтуна Рузикулова ФАРҶОНА ВОДИЙСИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ВА ИРРИГАЦИЯ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН (1950 – 1970).....	134
19. Хасанбой Рахматиллаев ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА.....	139
20. Lutfiya Salomova AVSTRALIYA MILLIY ARXIVI FAOLIYATI HAQIDA.....	144
21. Наргиза Сейтимбетова ҚОРАҚАЛПОҶИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ.....	148
22. Shaxnoza Tursunova O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BENILYUKS DAVLATLARI BILAN XALQARO MUNOSABATLARINI RETROSPEKTIV TAHLILINING AYRIM JIHATLARI.....	156
23. Икромжон Умаров КЎҲИТАНГТОҶ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ҲУДУД БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ.....	161
24. Ма’мура Umarxodjayeva, Zilola Shodmonxo`jayeva, Nodira Xasanova O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYINING NOYOB XAZINASIDAN.....	174
25. Санъат Худайбергенов ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	178
26. Ҳабиба Ҳасанова 1917-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОСМАХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	186
27. Ра’но Qodirova 1936-1937 YILLARDA O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA TARIX FANINING O‘RGANILISHI (M.Asimov hisobot materiallari asosida).....	192

28. Қосим Қосимов ШАРҚИЙ БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ.....	196
29. Ислом Қаршиев МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ.....	203
30. Гулжаҳон Шайдуллаева ХАРАППА МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ.....	209
31. Fotima Shirinova, Zumrad Kosimova XX ASRNING 20-30-YILLARIDA SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN SIYOSATI, UNING MONIYATI VA OQIBATLARI. SIYOSIY QATAG'ONLIK.....	222
32. Юлдаш Юлдашев ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ 555-ФОНДИНИНГ АРХИВ МАНБАШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	230
33. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (Дашти қипчоқ мисолида).....	237
34. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ (ўтроқ ва кўчманчилар ўзаро алоқларининг негизлари).....	246
35. Лазизахон Алиджанова ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТИББИЁТГА ОИД ИЖТИМОИЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	256
36. Дилрабо Қурбанова ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ.....	264
37. Камола Саипова УРУШ ДАВРИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК КЎРСАТИШИ.....	274
38. Аҳадулла Рахматуллаев ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОС ВА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	280
39. Азамат Ктайбеков ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (2000-2016).....	288
40. Гулнора Худойберганава “АСКЕТИЗМ” ТУШУНЧАСИ ВА ДИНЛАРДА АСКЕТИК АМАЛИЁТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	293



ISSN: 2181-9599

www.tadqiqot.uz

JOURNAL OF

LOOK TO THE PAST

ЎТМИШГА НАЗАР | ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

Отабек Махмудов,

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Фарғона давлат университети


Жаҳон тарихи кафедраси мудири

bekmakhmudov@mail.ru

«МИЛЛИЙ ТАРИХ» ВА «ТАРИХ ТАЪЛИМИ»ДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»НИНГ АҲАМИЯТИ

(лотин тилли тарихий манбалар ва замонавий ўзбек илмий адабиётининг қиёсий
таҳлили медиєвистик талқинда)

For citation: Otabek Makhmudov, THE IMPORTANCE OF «WORLD HISTORY» IN «NATIONAL HISTORY» AND «HISTORICAL EDUCATION» (comparative analysis of Latin-language historical sources and modern Uzbek scientific literature in a medievalistic interpretation). Look to the past. 2022, Special issue 3, pp.109-121

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7485294>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда сўнгги йилларда ўзгариб бораётган тарих фанидаги тенденциялар ҳамда тарихий тадқиқотлар ва тарих таълимидаги асосий муаммолар таҳлил этилган. Бундан ташқари, мамлакатимизда жаҳон тарихини ўқитиш бўйича илгари сурилган турли фаразлар бўйича муаллифнинг шахсий позицияси билдирилган. Масаланинг моҳияти Марказий Осиё алломаларининг шахсиятига оид лотин тилли манбалардаги, шунинг баробарида, алломалар асарларининг лотинча таржималарига доир миллий адабиётлардаги хатоликлар асосида ойдинлаштиришга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: тарих, тарихий тадқиқотлар, тарих таълими, Ўзбекистон тарихи, миллий тарих, жаҳон тарихи, гуруҳлар, тенденциялар, хатолик ва англашилмовчиликлар, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Форобий, Ибн Сино, лотин манбалари.

Отабек Махмудов,

доктор философии по историческим наукам (PhD), доцент

заведующий кафедрой Всемирной истории ФерГУ

bekmakhmudov@mail.ru

ВАЖНОСТЬ «ВСЕМИРНОЙ ИСТОРИИ» В «НАЦИОНАЛЬНОЙ ИСТОРИИ» И «ИСТОРИЧЕСКОМ ОБРАЗОВАНИИ»

(сравнительный анализ латиноязычных исторических источников и современной
узбекской научной литературы в медиєвистической интерпретации)

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются основные проблемы исторических исследований и исторического образования, а также тенденции в исторической науке меняющиеся в последние годы в Узбекистане. Кроме того, автор выразил свою личную позицию по различным гипотезам, выдвинутым относительно преподавания всемирной истории в стране. Суть вопроса обоснована на основе ошибок в латиноязычных источниках, касающихся личностей центральноазиатских ученых, и, следовательно их произведений, в национальной литературе по латинским переводам.

Ключевые слова: история, историческая наука, историческое образование, История Узбекистана, национальная история, Всемирная история, группы, тенденции, ошибки и несуразности, аль-Хорезми, аль-Фергани, аль-Фараби, Ибн Сина, латинские источники.

Otabek Makhmudov,

doctor of philosophy on historical science, assistant professor
Head of the Department of World History of Fergana State University
bekmakhmudov@mail.ru

**THE IMPORTANCE OF «WORLD HISTORY» IN «NATIONAL HISTORY» AND
«HISTORICAL EDUCATION»
(comparative analysis of Latin-language historical sources and modern Uzbek scientific
literature in a medievalistic interpretation)**

ABSTRACT

The article analyzes the main problems of historical research and historical education, as well as trends in historical science changing in recent years in Uzbekistan. In addition, the author expressed his personal position on various hypotheses put forward regarding the teaching of world history in the country. The essence of the issue is justified on the basis of errors in Latin-language sources concerning the personalities of Central Asian scientists, and, consequently, their works, in the national literature on Latin translations.

Index Terms: history, historical science, historical education, History of Uzbekistan, national history, World history, groups, trends, mistakes and absurdities, al-Khorezmi, al-Fergani, al-Farabi, Ibn Sina, Latin sources.

1. Долзарблиги:

Ўтган давр мобайнида юртимизда барча соҳалар қаторида илм-фаннинг ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилиб, эътирофга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан олиб борилаётган ислохотлар илм-фан ва таълим тараққиётининг янги босқичини бошлаб берди. Бу борада, олий таълимда илм-фанни янада ривожлантириш, уни академик илм-фан билан интеграциялашувини кучайтириш, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этиш, жаҳоннинг етакчи илмий ва таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш энг асосий вазифалар этиб белгиланган.

Соддароқ қилиб айтганда, ўз қадрини ва обрўсини йўқотган олимлик рутбаси бугунги кунда давлат раҳбарининг бевосита ташаббуси билан бошқа соҳалардан кўра юқори ўринга қўйилмоқда. Чунки, иқтисодни юксалтириш ва халқ фаровонлигига пахта режасини бажариш учун ўқитувчи-ю шифокорни бирдек сафарбар қилиш орқали эмас, балки илм-фанни ривожлантириш ва ҳар бир ишга илмий жиҳатдан ёндашиш билангина эришиш мумкинлигини тарихий тажрибанинг ўзи тасдиқлаб берди.

2. Муҳокама:

Бугун, тарихчиларимиз орасида Ўзбекистонда тарих фани қандай бўлиши, тарихий тадқиқотларнинг йўналишлари ва тарих қандай ўқитилиши кераклиги борасида турли қарашлар илгари сурилмоқда. «Ўзбекистон Республикасида тарих фани соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси» атрофида бўлаётган муҳокамалар бунинг яққол мисолидир. Айти муҳокамалар ва уларда иштирок этаётган тарихчиларнинг позицияларига эътибор қаратилса, ҳозирги кунда юртимизда тарихчилар бир қарашда кўз илғамас кўринишда турли гуруҳларга ажралиб бормоқда. Аслида, бу гуруҳланиш табиий жараён бўлиб, миллий тарихни яратиш масаласи атрофида юз бермоқда. Шунинг учун ҳам мажозий маънодаги бу «ажралиш» ҳар қандай соҳанинг тараққиёт босқичида кузатилувчи йўналишларда кечмоқда. Бизнингча, улар қуйидагилардан иборат:

- конзерваторлар – эски мактаб вакиллари;
- неоконзерваторлар – совет даври анъаналарига таянувчи, лекин замонавий тадқиқот методикасини қабул қилиб бораётганлар;
- либерал-реформаторлар – тарихий тадқиқотлардаги ва умуман тарихга бўлган анъанавий қарашларни замонавий хорижий тажриба билан синтезлаштиришга, маҳаллий илмий изланишлар савиясини халқаро даражага яқинлаштиришга ҳаракат қилаётганлар;
- Ўзбекистон тарихини, у бевосита узвий боғлиқ бўлган Марказий Осиё ва жаҳон тарихидан ажратиб олиб, уни Ўзбекистоннинг замонавий чегараси доирасида «миллий тарих» номи билан тадқиқ этишга уринаётганлар (балким, яна юз йилдан сўнг уларни сарой тарихчилари сифатида эътироф этишар).

Таъкидлаш лозимки, ушбу жараён ҳар қандай мамлакат тарихчилари орасида маҳаллий-миллий тарихни яратиш жараёнида юз берувчи табиий ҳолатдир.

Бироқ, сўнгги вақтларда Ўзбекистон тарихини жаҳон тарихидан айро ҳолда, «миллий тарих» номи билан локал тарих сифатида ўрганиш ва ўргатиш лозимлиги тўғрисида айрим фаразлар илгари сурилиб, жаҳон тарихини фарзандларимизга ўргатиш у қадар ҳам шарт эмас [32]лиги айтилмоқда. Бироқ, мактаб ўқувчиларига сенатор томонидан Сенат биносидан туриб айтилган бу гапни изоҳлаш учун, аввало уларга «сенат» ва «сенатор» тушунчаларини қадимги Римда пайдо бўлганлигини тушунтириш керак бўлади. Айти жиҳат, бизнинг тарихимиз жаҳон тарихи билан узвий боғлиқ эканлигини узундан-узоқ фикрларсиз ҳам яққол далиллайди. Аслида, Ўзбекистонни тарихий географик жиҳатдан турли цивилизациялар чорраҳасида ва марказида жойлашганлигининг ўзиёқ, уни айро тарих сифатида ўрганиш, анча мушкул эканлигини англатади. Бу борада, Мадагаскар ёки Австралия тарихини локал тарих сифатида тадқиқ этиш анча қулайдир. Албатта, бу жиҳатларни англаш учун соф тарихчи бўлиш шарт бўлмай, ҳаваскорликнинг ўзи ҳам кифоя қилади.

Қайд этиш жоизки, маҳаллий тарихчиларнинг жаҳон тарихидан хабарсизлиги оқибатида миллий тарихга кириб қолган ва ҳозирги кунда ҳам сақланиб турган айрим хатоликлар жаҳон тарихини ўрганиш ва ўқитиш нечоғлик зарур эканлигини англатмоқда.

Биз, бу борадаги фикрларимизни Марказий Осиё алломаларининг шахсиятига оид лотин тилли манбалардаги, шунинг баробарида, алломалар асарларининг лотинча таржималарига доир миллий адабиётлардаги хатоликлар асосида ойдинлаштиришга ҳаракат қиламиз. Бошқача қилиб айтганда, масала моҳиятини Ғарб учун жаҳон тарихи ҳисобланган мусулмон Шарқи тарихини билмаслик натижасида ўрта аср европалик тарихчилар йўл қўйган хатоликлар [ташқи / тарихий эффект] ҳамда биз учун жаҳон тарихи ҳисобланган Европа тарихидан воқифсизлик оқибатида миллий тарихимизга кириб қолган англашмовчиликлар [ички / замонавий эффект] мисолида очиб беришга ҳаракат қиламиз.

«Ўрта аср Европа таржима марказларида Шарқ олимлари илмий меросининг ўрганилиши» мавзусида олиб борилган докторлик диссертацияси тадқиқотлари натижасида XII–XIII асрларда асарлари лотин тилига ўгирилган қирқ нафарга яқин Шарқ олимлари аниқланди. Қайд этиш лозимки, уларнинг катта қисми (26 нафари)ни мусулмон Шарқи, яъни машриқлик алломалар, қолган қисми (11 нафари)ни мусулмон Ғарби, яъни мағриблик олимлар ташкил этади.

Мазкур жихат, асарларининг лотинча таржималари орқали Европада катта шуҳрат қозонган мусулмон Шарқи алломалари, шу жумладан Марказий Осиё олимлари ҳаёти ўрта асрларда маҳаллий европалик тарихчилар томонидан ўрганилган-ми, лотин тилли манбалар муаллифлари алломалар шахсиятини қандай тасаввур қилишган ва таърифлашган? деган саволларни юзага келтирди. Қуйида, мазкур масала юзасидан олиб борилган изланишларимизнинг айрим натижалари баён қилинади.

3. Тадқиқот натижалари:

3.1. Ташқи / тарихий эффект:

IX–XII асрларда ижод қилган мусулмон Шарқи алломалари илмий меросига оид маълумотлар Жакома Филиппо Форести (1434–1520)^{*1}нинг «*Supplementum Chronicorum Orbis, ab initio mundi ad annum 1482*» («Бутун жаҳон солномасига кўшимчалар: дунёнинг яратилишидан то 1482 йилга қадар») [12] номли асарида келтирилган. 1482 йилда ёзиб тугалланган ва 15 қисмдан иборат асарда мусулмон Шарқининг ўн нафар алломаси тўғрисидаги қайдлар мавжуд. Улардан ар-Розий (865–925), ал-Форобий (873–950), Ибн Сино (980–1037) ҳамда Ибн Рушд (1126–1198) фаолиятига алоҳида эътибор қаратилиб, олимларнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар баён этилган. Бироқ, муаллифнинг бу борадаги кўплаб маълумотлари ўта чалқаш бўлиб, айримлари умуман ҳақиқатдан йироқдир. Жумладан, асарда Ибн Сино севильялик (*Avicena quoque Hispalensis*) [12: 220], ар-Розий эса карфагенлик (*Rasis quidam Poenus*) [8: 221] олим сифатида кўрсатилади. Ажабланарлиси, муаллиф Ибн Сино Вифиния^{*2}нинг шоҳи^{*3} эканлиги, у Ибн Рушд томонидан захарлангани, бироқ, умрининг сўнггида Ибн Рушдни қатл эттирган (*Avicena ... Bythinie regem, et ab Averoi medico venenatum tradunt, sed antequam periret ipse illum Averoi interfecisse*) [12: 220]лигини ёзади. Мазкур маълумотлар Ж.Ф.Форести турли давр ҳамда худудда яшаган Ибн Сино ва Ибн Рушднинг таржимаи ҳоли билан бевосита таниш бўлмаганлиги, маълумотларни келтиришда эса ўрта аср Ғарб солномачилигига хос равишда воқеаларни бадиий тўқима орқали янада кучайтиришга асосланганлигидан далолат беради. Асарда ал-Форобий миллати бўйича араб эканлиги таъкидланиб, замонасининг машҳур файласуфи ва астрономи бўлган (*Alpharabium natione arabem, philosophum et astronomum insignissimum hisdem temporibus fuisse et viguisse tradunt*) [12: 273]лиги қайд этилади. Муаллиф ал-Форобий ёзган айрим шарҳлар лотин тилида ҳам мавжуд (*E quibus etiam quaedam apud latinos habentur commentaria*) [12: 273] эканлигини таъкидлайди. Бу аллома томонидан Аристотел (мил. авв. 384–322) асарларига ёзилган шарҳлар XV асрда ҳам анча кенг тарқалганлигидан далолат бермоқда. Асарда ал-Форобийни астроном (*astronomum*) сифатида таърифлангани алоҳида эътиборга лойиқ. Алломанинг бугунги кунда астрономияга оид 3 та асарни маълум. Булар «Расола фимо йасихху ва мо до йасихху мин аҳком ан-нужум» («Юлдузлар муҳокамасида тўғри ва нотўғри жихатларга оид рисола»), «Китоб ал-давоҳик» («Кўшимчалар китоби»), «Шарҳ ал-Мажистий» («ал-Магестга шарҳ») номли асарлар бўлиб, улар XII–XIII асрларда ва кейинги даврларда ҳам Европада лотин тилига таржима этилмаган. Ж.Ф.Форести эса араб тилини билмаган ва ўз асарини ёзишда бирор бир араб тилли манбага мурожаат қилмаган. Шу боисдан, муаллиф ал-Форобийнинг юқоридаги асарлари билан шахсан таниш бўлмаган, деб ўйлаймиз. Бизнингча, муаллиф ўзи фойдаланган лотин тилли манбалардаги машҳур астроном *Alfraganus* (ал-Фарғоний)ни Европада асосан фалсафий асарлари таржима қилинган *Alpharabius* (ал-Форобий) билан чалқаштирган бўлиши мумкин. Ж.Ф.Форести асари илк бор 1486 йилда Венецияда чоп этилган. Айни нусха бугунги кунда Севилья университети кутубхонасининг Қадимги фондида А335/0661 рақами билан сақланмоқда.

IX–XII асрларда ижод қилган мусулмон Шарқи алломалари шахсиятига доир маълумотлар Хартман Шедель (1440–1514)^{*4}нинг «*Registrum huius operis libri cronicarum cum figuris et imaginibus ab inicio mundi*» («Шахслар ва тасвирлар билан бойитилган солномалар жамланмаси: дунёнинг яратилишидан ҳозирга қадар») [31], Симон де Фарез (1450–1499)^{*5}нинг «*Recueil des plus célèbres astrologues et quelques hommes doctes*» («Машҳур астрологлар ва фан намоёндаларига оид тўплам») [11] номли асарларида ҳам учрайди. Мазкур икки асар

Ж.Ф.Форестининг юқоридаги китобига асосланганлиги боис, уларда ҳам алломаларнинг шахсияти тўғрисида янглиш ва хато маълумотлар берилган.

Жумладан, Х.Шедель асарида Исҳок Исроил ибн Сулаймон (тахм. 832–932), ар-Розий, ал-Форобий, Яхё ибн Сарафюн (X аср), Ибн Сино, ал-Ғаззолий (1058–1111), Ибн Зухр (1090–1162) каби олимларнинг исмлари тилга олинган. Муаллиф Ибн Сино шахсиятига алоҳида эътибор қаратиб, уни машхур шифокор сифатида эътироф этиш баробарида алломани Куртобанинг (regem de Cordoba) қироли [31: 202b], деб таърифлайди. Бундан ташқари, асарда турли даврларда яшаган ал-Ғаззолий, ал-Форобий ва Ибн Сино замондош бўлганликлари ва улар Ибн Рушд билан бир даврда яшаганликлари (Algazel etiam et Alfarabius videntur fuisse contemporanei Avicennae, qui fuerunt tempore Averrois) [31: 202c] қайд этилган.

Симон де Фарез асарида эса Абу Машъар ал-Балхий (787–886) Афинада самарали ижод қилган (Albumazar le Grant fl orit a Athenes) [11: 279–280]лиги таъкидланган. Шундай бўлсада, де Фарез асари ўзида йигирма нафарга яқин мусулмон Шарқи астрономлари ва астрологлари ҳақидаги қисқа қайдларни жамлаганлиги билан эътиборга лойиқдир. Асарда Albohali (Яхё ибн Ғолиб ал-Ҳайёт, (770–835), Alubater (Абу Бакр ибн ал-Ҳосиб, (IX аср), Alcabitius (Абу-л-Сақр ал-Қабисий, (ваф. 967 йил), Alcoarismi (ал-Хоразмий, (783–850), Alfraganus (ал-Фарғоний, (тах. 798–865), Alkindi (ал-Киндий, (800–873), Alpetragius (Нуриддин ал-Битружий, (ваф. 1185), Azarchel (аз-Зарқалий, (1029–1087), Haly Abenragel (ал-Рижол, (тахм. 960–1050), Messahalal (Машаллох, (тахм. 740–815), Omar Tiberiadis (Умар ибн Табарий, (ваф. тахм. 815), Thebit ben Corat (Собит ибн Курра, (836–901), Zahel (Саҳл ибн Бишр, (786–845) каби машхур фалакшунослар ва мунажжим олимлар тилга олинган [11: 280–281]. Лекин, муаллиф бу борада ҳам чалкашликка йўл қўйиб машхур табиблар Albucasis (аз-Заҳравий), Isaac Israeli (Исҳок Исроил ибн Сулаймон), Serapion (Яхё ибн Сарафюн, (X аср), Rhazes (ар-Розий)ларни ҳам машхур астрологлар [11: 281] сифатида таърифлайди.

Тадқиқотимиз натижалари шундан далолат бермоқдаки, XII–XIII асрларда ижод қилган таржимонлар таржима қилинаётган асар муаллифлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишмаган. Шу боисдан ҳам яратилган таржима матнида асар муаллифининг шахсиятига оид қўшимча маълумотлар берилмаган. Бунинг натижасида кейинги даврларда яшаган Ж.Ф.Форести, Х.Шедель ва С. де Фарез каби араб тилини билмаганлиги боис бу тилдаги манбалардан фойдаланиш салоҳиятига эга бўлмаган ғарблик олимлар таржималарда муаллиф сифатида кўрсатилган Alcoarismi, Alfraganus, Avicenna каби марказий осиёлик, замонавий миллий тарих тили билан айтганда ўзбекистонлик алломаларни европалик олимлар, деб ўйлашган. Ибн Синони севилялик ёки ал-Балхийни афиналик сифатида кўрсатилганлиги бунинг яққол мисолидир. Бундан ташқари, таржималар матнида муаллифлар тўғрисида маълумотларнинг мавжуд эмаслиги, айрим европалик тарихчиларни асар муаллифининг сунъий биографиясини яратиш борасидаги уринишларига сабаб бўлган. Натижада юқоридаги асарларда кузатилганидек мусулмон Шарқи мутафаккирлари шахсиятига оид тўқима ёки афсонага асосланган маълумотлар шаклланган. Ушбу ҳолат XV ва XVI аср бошларидаги Европа тарихшунослигига хос хусусият ҳисобланади. Юқоридаги хатоликлар аслида европаликлар учун жаҳон тарихи ҳисобланган мусулмон Шарқи тарихидан хабарсизлик натижасидир.

3.2.Ички / замонавий эффект:

Фан тарихидан яхши маълумки, Европада ўрта аср илмларининг ривожиди мусулмон Шарқи, жумладан Марказий Осиё алломалари илмий мероси муҳим ўрин тутган. Шу сабабдан мазкур масала ҳозирги кунда ҳам нафақат фан тарихчилари ва шарқшуносларимиз, балки тарих фанларининг бошқа соҳаларида тадқиқот олиб борувчи мутахассислар ва ҳатто ҳаваскор тарихчилар энг кўп қизиқувчи мавзулардан саналади. Қизиқишнинг юқорилиги мавзу доирасида турли даража ва савиядаги тадқиқотларини сон жиҳатдан кўпайишига сабаб бўлган эрса-да, мавзунинг асл моҳиятини очиб берувчи – алломалар асарларини Европага қандай кириб борганлиги, уларнинг дастлабки лотинча таржималарини яратилиши, айти таржималардаги мутафаккирлар таълимотларининг европалик олимлар илмий фаолиятидаги инъикоси каби масалаларга ҳануз кам эътибор қаратилмоқда. Оқибатда юртимизда яратилган

илмий ва ўқув адабиётларида алломалар асарларини Европада таржима этилиши хусусидаги, айниқса, дастлабки таржималари тўғрисидаги маълумотлар умумий характерга эга бўлиб қолмоқда. Яъни, бу турдаги ишларда, гап алломаларнинг бирор-бир асарини XII–XIII асрларда Европада таржима этилиши хусусида борганда, кўпинча, асарнинг таржима қилинган асрини келтириш билангина чекланилади. Асар таржимони кимлиги, таржимачилик иши қандай услубда, қачон, қаерда амалга оширилгани, мазкур таржиманинг минтақа илмлари ривожига аҳамияти қай даражада бўлганлиги хусусидаги масалаларга эътибор қаратилмайди. Шунингдек, бу тур тадқиқотлардаги маълумотларнинг асосий қисми машхур фан тарихчилари томонидан XX асрда нашр этилган био-библиографик асарлар [1; 9–10; 23–30]дан тасарруф этилганлиги боис, улардаги мавзуга оид далиллар бир-бирига ўхшаш кайтариклардан иборатдир.

Қайд этиш лозимки, IX–XII асрларда яшаб-ижод қилган алломаларимиз ҳаёти ва илмий мероси билан боғлиқ мавзулар ҳозирги кунга қадар республикаимизда муайян даражада ўрганилган ва соҳадаги тадқиқотлар хануз давом этмоқда. Бироқ, аксар илмий тадқиқотларда алломалар асарларнинг Европада латин тилига ўгирилишига оид маълумотларни келтиришда бир қанча англашилмовчиликларга йўл қўйилганки, айти ҳолат улар асосида яратилган кейинги ишларда ҳам ушбу хатоликларнинг такрорланишига сабаб бўлган. Биз, бу борадаги айрим маълумотларни ўзимизнинг аввалги ишларимизда ҳам таҳлил этиб берганмиз [2–5; 17–19].

Мисол учун, миллий тарихий тадқиқотларда тез-тез такрорланувчи бир маълумот бўлиб, унга кўра «голланд математиги ва арабшуноси Якоб Голиус 1669 йилда Амстердамда Аҳмад Фарғонийнинг «Китоб фи усул илм ан-нужум» асарини арабча матнини латин тилидаги таржимаси билан нашр этган». Ушбу маълумотни турли кўринишларда аллома ҳаёти ҳамда илмий меросига бағишланган юртимизда нашр қилинган исталган адабиёт, тадқиқотлар ва ҳатто Ўзбекистон миллий энциклопедияси [6: 858]да ҳам учратиш мумкин. Балки, шунинг учун ҳам ҳозирга қадар мазкур маълумотнинг тўғрилигига юртимиз тарихчиларидан ҳеч ким шубҳа қилмаган.

«Ўрта аср Европа таржима марказларида Шарқ олимлари илмий меросининг ўрганилиши» мавзусида олиб борилган тадқиқот доирасида Фарб матбаачилик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, европалик машхур ноширлар ҳаёти ва ижодини ўрганиш мақсад қилинган эди. Бу борадаги изланишларнинг дастлабки натижаси шуки, асл исми Якоб ван Голь (Jacob van Gohl) бўлган нидерландиялик шарқшунос олим 1667 йилнинг 28 сентябрида Лейденда дунёдан кўз юмган. Кўриниб турибдики, Якоб ван Голь Фарғоний асарини 1669 йилда Амстердамда нашр этилишдан икки йил аввал вафот этган. Айти ҳолат «Китоб фи усул илм ан-нужум» асари 1669 йилда Амстердамда Якоб Голиус томонидан нашр этилгани тўғрисидаги маълумот нотўғри эканлигини англатади.

Ҳозирга қадар китоблардан-китобларга, тадқиқотлардан-тадқиқотларга ўтиб келаётган ушбу нотўғри маълумот қандай англашилмовчилик сабаб юртимиз адабиётларидан ўрин олгани бизга қоронғи. Наздимизда, мазкур чалкашликка 1669 йилги нашрнинг титул варағидаги «Opera Jacobi Golil» («Якоб Голь иши») сўзлари сабаб бўлган. Аниқроғи, юқоридаги маълумотни илк бор илмий муомалага олиб кираётган тадқиқотчи 1596–1667 йилларда яшаб-ижод қилган Якобус Голиус (ёки Якоб ван Гол) тўғрисидаги маълумотлар билан шахсан таниш бўлмагани ҳолда «Opera Jacobi Golil» жумласига асосланиб, «Аҳмад Фарғонийнинг «Китоб фи усул илм ан-нужум» асарини Якоб Голиус 1669 йилда Амстердамда нашр этган», деб кўрсатган. Таассуфки, айти маълумот тезлик билан аллома илмий меросига бағишланган кейинги нашрларнинг деярли барчасидан жой олди.

«Китоб фи усул илм ан-нужум» асарининг 1669 йилдаги Амстердам нашри жами 565 саҳифадан иборат бўлиб, 109 варағини араб тилидаги, 306 варағини эса латинча матн ташкил этади. Бундан ташқари, муқаддима, мундарижа ва изоҳлар учун ажратилган қисмлар ҳам мавжуд. Мазкур нашр матнини ўрганиш натижасида қуйидагича хулосага келинди:

биринчидан, Аҳмад Фарғонийнинг «Китоб фи усул илм ан-нужум» асарини 1669 йилда Амстердамда чоп этган ноширлар Йоханнес Янсон ван Весберг ҳамда Элиза Веерстрет

ҳисобланади. Буни, нашр титулининг энг қуйи қисмидаги «Amstelodami, Apud Johannem Jansonivm á Waasberge, & Viduam Elizei Weyerstraet, 1669.», деб ёзилган сўзлар исботлайди.

иккинчидан, «Китоб фи усул илм ан-нужум» асарининг Амстердам нашрини титул варағида «Opera Jacobi Golii» жумласини келтирилишининг сабаби, ноширлар Фарғоний асарини чоп этишда айнан Якоб ван Голь томонидан таржима қилиниб, қайта ишланган нусхага асосланишади. Буни, 1669 йилги нашрнинг «Lectori Benevolo» («Ўқувчиларга») деб номланган қисмида [20: 3-5] келтирилган маълумотлар тасдиқлайди.

Мухтасар қилиб айтганда, биз учун «жаҳон тарихи доирасида» яшаб-ўтган биргина олим тўғрисидаги маълумотлардан хабарсизлик, миллий илмий ва ўқув адабиётларимизда кичик, лекин, қўпол хатолик қайд этилишига сабаб бўлган. Афсуски, бу каби мисолларни яна узундан-узук давом эттириш мумкин.

Жумладан, IX–XII асрларда ижод қилган қомусий мутафаккирлар ҳақида фикр юритилганда маҳаллий тарихчиларимиз энг кўп фойдаланувчи маълумот бор. Унга кўра, алломаларимизнинг турли фанларга оид асарлари XII асрдан бошлаб Европада латин тилига таржима қилиниб, минтақа университетларида дарслик ва қўлланма сифатида ўқитилган. Ушбу эътирофни Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино ҳақида гап борган исталган ўқув ва илмий адабиётларда учратиш мумкин. Аммо, соҳада сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида Муҳаммад Хоразмийнинг асарлари XII асрдан аввалроқ, аниқроғи X асрнинг иккинчи ярмидаёқ Европага етиб боргани ва минтақа олимлар томонидан ўша давр нуқтаи-назаридан тадқиқ этилганлиги аён бўлди. Жумладан, Европа фан тарихида ўрта асрларнинг машҳур математиги, астроном ва файласуфи сифатида эътироф этилувчи Ориаклик Герберт (945–1003)^{*6} ўзининг 980–982 йилларда ёзилган «Regule de abaco computi» («Абақда ҳисоблаш қондаси») [14] номли рисоласида ал-Хоразмий арифметикасидан кенг фойдаланади. Аниқроғи, олим ўз асарида кўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш каби математик амалларни бажаришда ал-Хоразмийнинг «Китоб ал-жам' ва-т-тафрик би ҳисоб ал-ҳинд» («Ҳинд ҳисобида кўшиш ва айриш китоби»)га таяниб 1 дан 9 гача бўлган рақамларни ишлатади. Жумладан, Герберт арифметик ва геометрик амалларни тўққизта сон (1–9) орқали бажариш учун махсус абақ тахтаси^{*7}ни ясайди. Мазкур тахта 27 та тўғри-тўртбурчакли қисмдан иборат бўлиб, ҳар бир қисм 3 та: С (centum) – юзлик, D (decem) – ўнлик ва S ёки M (singularis seu monopad) – бирлик сонлар учун мўлжалланган майдонларга бўлинган. Аммо, Герберт ўз асари ва яратган мосламасида нима учундир 0 (ноль)дан фойдаланмайди. Наздимизда, ал-Хоразмий нолни ўз асари орқали расмий муомалага киритгани ҳамда ўнлик позицион тизими математик ҳисоб-китобларни содалаштиришини тушунтириб берганлигига қарамасдан, европалик олим, афтидан, 0 (ноль)дан фойдаланиш моҳиятини тўла англаб етмаган.

Бу ўринда, Гербертни ал-Хоразмий асарлари билан қандай қилиб танишган, деган савол пайдо бўлиши турган гап. Бу албатта ҳақли савол, сабаби, аввалроқ таъкидлаганимиздек, деярли барча илмий адабиётларда ал-Хоразмий асарлари Европада XII асрдан латин тилига таржима қилина бошланганлиги кўрсатилади, Герберт эса X асрнинг иккинчи ярмида яшаган.

Ўрта аср тарихчиларидан Мальмсберлик Уильямнинг (1090–1143)^{*8} «De Gestis regum Anglorum» («Инглиз қиролларининг фаолият тарихи») номли асарини иккинчи қисмида келтирилишича, «Герберт монастир ҳаётидан қоникмаганлиги ёки шон-шуҳратга бўлган интилиши сабаб ҳар соҳада тараққий топган Испанияга келади ва у ерда бир мусулмондан астрология, астрономия ва математика фанлари бўйича дарс олиб, араб тилини ўзлаштиради. Бу орада устозининг қизи ва Герберт ўртасида муҳаббат пайдо бўлади. Кунларнинг бирида, Герберт мусулмон қизига ўз севгисини изҳор қилиб, уни Францияга олиб кетишини айтади. Бироқ, бунинг эвазига қиздан отаси ўз китоблари сақловчи сандиқнинг калитини топиб беришини сўрайди... Калитни олган кечанинг эртаси куни, тонгда, устозининг сандиғидаги турли фанларга оид арабча китобларини [бизнингча, булар математика ва фалсафага оид рисоалар бўлган] ўғирлаб ватанига бир ўзи қочиб кетган...» [16: 116-117].

Ҳозирги кунга қадар Гербертни турли йилларда ёзган хатлари сақланиб қолган. Улардан 982 йилда архиепископ Арнульф (ваф. 1021)га ёзилган мактубда Герберт 967–970

йилларда Испаниядаги Барселонада яшаганлиги ҳамда айти шу даврда математика ва фалсафага тааллуқли араб тилидаги иккита рисола лотинчага ўғирганини (967 et 970 vixit *Barcinone et quoque per idem tempus transtulit in latinum duobus tractatibus in saracenrum de mathesi et philosophia*) ёзган. Герберт фикрича унга араб тили, математика ва фалсафани ўргатган мусулмон устозининг билимлари айнан шу икки асарга асосланиши, бу асарларни ўзи билан бирга олиб кетишига сабаб бўлган (*quod scientia saracen magister est secundum haec duo opera, coegit eum ad haec opera cum eo*). Мактубда ҳисобга оид ва араб рақамлари бор китоб *Malchocharithmus**⁹ исмли арабга тегишли эканлиги (*Liber rationum et saracenorum numerus, quod pertinet ad saracen nomine Malchocharithmus*), иккинчи, фалсафа китоби «*De mente*» [«Ақл хақида»] деб номланган (*secundo, philosophia libro, dicitur De mente*)лиги [15: 98-101] қайд этилган. Мазкур маълумот ал-Хоразмийнинг «Китоб ал-жам' ва-т-тафриқ би ҳисоб ал-ҳинд» номли асари Европада илк бор Ориёклик Герберт томонидан X асрнинг иккинчи ярмида таржима қилинганлигини кўрсатади. Бироқ, Герберт яратган айти таржималарнинг қўлёзмалари ҳозирча аниқланмади. Аммо, француз олими китобларининг асосий қисми ўрта аср христианлик черкови намоёндаларининг асарлари жамланмаси бўлмиш «*Patrologia Latina*» («Лотин патрологияси») номли тўпламда сақланмоқда. Унинг 139-жилди [21: 54-159] бевосита Сильвестр II, яъни Герберт асарларига бағишланган. Бизнингча, айти тўпламни илмий тадқиқ этиш лозим. Чунки, бу тўплам ҳозирга қадар фан тарихчилари томонидан махсус ўрганилмаган бўлиб, бу борадаги изланишлар бизни ал-Хоразмий асарининг X аср иккинчи ярмида яратилган лотинча таржимасига «олиб чиқиши» мумкин. Мактубда тилга олинган «*De mente*» асарининг муаллифига ишора қилинмаган. Бизнингча, бу Ёқуб ал-Киндий (800–873)нинг «*Фи' ал-'ақл*» («Ақл тўғрисида») номли рисола сифатидир. Бундай хулосага келишимизнинг сабаби шундаки, Герберт айти асар таъсирида «*De rationali et ratione uti*» («Ақллилик ва ақлдан фойдаланиш») номли асар ёзади. Ҳар икки асарнинг қиёсий таҳлили эса улардаги маълумотлар бир бирига ўхшаш ва айрим ҳолларда айнан такрор экан [8: 56-78; 13: 24-49]лигини кўрсатмоқда. Ёқуб ал-Киндий асари кейинчалик, жумладан XII асрдан бошлаб Европада «*De intellectu*» номи билан кенг тарқалган.

«*De Gestis regum Anglorum*» асари ва Герберт мактубларининг қиёсий таҳлили ал-Хоразмий ва ал-Киндий асарлари X асрнинг иккинчи ярмидаёқ лотин тилли олимлар томонидан тадқиқ этила бошлаганлигини тасдиқламоқда. Биз, айти масала юзасидан олиб борган тадқиқотимизнинг дастлабки натижаларини 2017 йилда «*Hind hisobida qo'shish va ayirish kitobi*»ni lotin tiliga o'g'irgan Rim papasi xususida» [19] номли мақоламизда эълон қилинган эдик. Бироқ, афсуски юртимизда тарих фанинг «эпицентри»да турганлар ҳам уларга паралелль равишда ҳаваскор тарихчилар ҳам ҳануз «...буюк алломаларимизнинг асарлари XII асрдан бошлаб Европада лотин тилига таржима қилинган», деб айтилувчи «навбатчи эътироф»дан фойдаланишда давом этишмоқда.

Бу жараён ҳам аслида жаҳон тарихидан воқифсизликнинг бир маҳсулидир. Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, биз келтирган маълумотлар айнан жаҳон тарихининг ўқитиш шарт эмас, деб кўрсатилган 9-синфгача, аниқроғи 7–8-синфларда ўқитилувчи мавзулари доирасидадир.

Юқоридаги маълумотлар ҳар қандай миллий тарих учун жаҳон тарихи муҳим аҳамиятга эга эканлигини, бу борада, Ўзбекистон каби турли цивилизациялар чорраҳасида жойлашган ва уларнинг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатган мамлакатнинг миллий тарихи жаҳон тарихи билан узвий боғлиқ бўлишини кичик мисоллар кўринишида тасдиқлаб беради.

Post scriptum:

Бугун Ўзбекистон тарихи ихтисослиги доирасида тадқиқот олиб бораётган ҳар бир тадқиқотчи ўз мавзусини Ўзбекистон тарихининг энг долзарб муаммоси сифатида эътироф этмоқда. Буни, ёш тадқиқотчилар ўз диссертацияларининг кириш қисмини биринчи бандида турли жиҳатлар билан исботлашга ҳаракат қилишади. Лекин, бугунги кунда Ўзбекистон тарихининг асл долзарб муаммоси нима-да ?

Бизнингча, бу муаммо Ўзбекистон тарихи ихтисослиги бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг асосий қисми маълум хронологик даврга оид бўлиб қолаётганлиги ҳамда тарих таълимини тарихий тадқиқотларнинг натижаларидан ортда қолиб кетаётганлигидадир. Аслида, ҳар икки муаммо ҳам соҳада малакали кадрлар етишмовчилиги билан боғлиқ. Мисол учун, республика миқёсида сўнгги ўн йил давомида тарих фанлари бўйича амалга оширилган тадқиқотлар сарҳисоб қилинса, уларнинг 90 фоизи Ўзбекистоннинг XIX аср иккинчи ярми ва XX аср тарихига, аниқроғи мустамлакачилик ҳамда совет даври тарихига бағишланганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бунинг исботи учун Ўзбекистон миллий кутубхонадаги диссертациялар бўлимида узоқ ўтириш шарт бўлмай, ОАК сайтининг ҳимоя ҳақида эълонлар бўлимига кириш ҳамда «тарих фанлари» калит сўзи билан қидирув беришнинг ўзи кифоя қилади. Албатта, тан олиб айтиш керакки айти жихат ушбу давр мутахассисларининг сермашаққат хизмати сермахсул бўлаётганлигини ҳам англатади. Бироқ, масаланинг иккинчи томони ҳам борки, бугунги кунда тарихчиликка номзод бўлаётганларнинг кўпчилиги Ўзбекистон тарихининг энг асосий манбалари саналган сўғд, туркий, араб ва форс тилларидаги асарларни ўқиш, таҳлил этиш ва умуман улардан фойдаланиш салоҳияти етишмаслиги сабаб ўзларини нисбатан яқинроқ тарихга, аниқроғи осонроқ ўрганиш мумкин бўлган мавзуларга «уриш»моқ. Бунинг натижасида Ўзбекистон тарихининг XIX аср иккинчи ярми ва айниқса XX аср билан боғлиқ кириб борилмаган мавзулар, деярли қолмаганга ўхшайди. Вазият шу даражага бориб етдики, яқин кунларда «XX асрнинг фалон йилларида Ўзбекистондаги авто тураргоҳлар ва уларнинг трансформацияси» ёки «Ўзбекистондаги кўп қаватли уйлар орасида жойлашган болалар майдончаларининг XX аср тарихи» каби мавзуларга ўхшаш «ишлар» ҳимоя қилинса ҳам таажжубга тушилмайди. Чунки, соҳа мутахассисларида бундай ишларга нисбатан «микро масала тарихи», «микро ҳудуд тарихи» каби «нео-услуг» сифатида кўникма ҳосил бўлди. Аслида, юқоридаги каби мавзуларнинг ўрганилмаганлиги уларнинг долзарблигини белгиламайди, балки, илмий-амалий нуқтаи-назардан уларга эҳтиёж, яъни зарурат бўлмаганлигини англатади.

Бизнингча, мазкур муаммо ечимига олий таълимда тарих таълимини академик тарих фани билан интеграциялашувини кучайтириш орқали етиб борилади. Бунда, тарихчи талаба ва магистрларни тайёрлашда мутахассислик фанлари қаторида Ўзбекистон тарихига оид маълумотлар берувчи сўғд, туркий, хитой, араб, форс тилларидаги манбалардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирда Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ушбу тиллар чуқурлаштириб ўқитилган ҳолда мутахассислар тайёрланаётган бўлса-да, республиканинг бошқа олий таълим муассасаларида тарихчиларга шарқ тилларини 1 ёки 2 семестр ўқитиш билангина чекланилмоқда. Бу борада, юртимиз тарихи бўйича маълумотлар бериши мумкин бўлган юнон ва лотин тилли манбаларни тадқиқ этишга эса эътибор қаратилмаяпти. Натижада, бирламчи манбаларга мурожаат қилмай, иккиламчи, учламчи замонавий таржима манбалар асосида манбашунослик соҳасида илмий иш олиб борувчилар оқими шаклланиб бормоқда. Қизиқ жиҳати, улар ҳам ўзларини манбашунослар қаторига қўшишмоқда.

Ҳозирги кунда олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни ривожлантириш ва халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш борасида кўплаб амалий ишлар олиб борилмоқда. Бироқ, олий таълимда тарихчиларни тайёрлашга қўйилган малака талаблари ва ўқув режалар шаклан янгиланган бўлса-да, моҳиятан хануз эскилигича қолмоқда. Жумладан, магистратуранинг 70220301 – Тарих мутахассислиги бўйича ўқитилаётган фанлар таҳлил этилса, улар на Ўзбекистон тарихининг бирор бир даврига ва на жаҳон тарихидаги бирор масалага ихтисослашмаганлигини кўриш мумкин. Мисол учун, айти мутахассисликда ўқитилаётган фанлар таркибига назар ташлайлик: Ўзбекистонда ер-сув муносабатлари (қадимги даврдан ҳозирги кунгача), Ўрта асрлар манбашунослиги ва тарихшунослиги, XX асрда Евросиёда сиёсий жараёнлар тарихи ва замонавий тенденциялар, Ўзбекистонда савдо муносабатлари ва тадбиркорлик тарихи, Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва толерантлик ва ҳ.к. Амалда, таълимнинг бу босқичида тарихчиларни аниқ бир масала ёки хронологик давр доирасида ихтисослаштириш лозим ва аслида ҳам бакалаврият билан

магистратуранинг фарқи айни шу жиҳат билан белгиланади. Шунинг учун мутахассисликлар классификаторида тарих мутахассислигига изоҳ тариқасида қавс ичида 70220301 – Тарих (йўналишлар ва фаолият тури бўйича) деб ёзилган. Бу, тарих мутахассислиги бўйича магистратурани 70220301 – Тарих (Ўзбекистон тарихининг қадимги даври), 70220301 – Тарих (Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи), 70220301 – Тарих (хонликлар даври тарихи), 70220301 – Тарих (IX–XII асрларда ижтимоий-маданий ҳаёт), 70220301 – Тарих (Ўзбек давлатчилиги тарихи), 70220301 – Тарих (Осиё мамлакатларининг замонавий тарихи), 70220301 – Тарих (Европа мамлакатларининг ўрта асрлар тарихи) ва ҳ.к тарзида ихтисослаштириш лозимлигини англатади. Таассуфки, ҳозирги ўқув режа билан тайёрланаётган тарихчилар на Ўзбекистон тарихи бўйича ва на жаҳон тарихи бўйича мутахассис бўлиб етиша олмаптилар. Бундан ташқари, бу босқичда тарихчиларга манбалардан фойдаланиш кўникмаларини мустаҳкамлаш учун юқорида санаб ўтилган бирор бир тил ўқитилмаётганлиги ҳам афсусланарлидир. Ушбу масалалар ҳал этилмас экан, шарқшунос ва манбашуносларни камёб мутахассислар сифатида эътироф этишда, ёшларимиз эса ўзларини нисбатан осонроқ бўлган XX аср тарихи бағишланган мавзуларга «уриш»да ва алаалоқибат «XX асрнинг фалон йилларида Ўзбекистондаги авто тураргоҳлар ва уларнинг трансформацияси» каби мавзулардаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациялар ҳимояларида иштирок этишда давом этаверамиз. Қадимги ва ўрта асрлар тарихи эса ўз тадқиқотчиларини кутишда давом этади. Сўғдшунослик, туркийшунослик, арабшунослик, форсшунослик, хитойшунослик, ҳиндшунослик каби шарқшунослик тармоқлари, шунингдек, фан ва технологиялар тарихи, медиевистика, нумизматика, эпиграфика, геральдика каби соҳалар эса кам сонли мутахассислар тадқиқот олиб борувчи жабҳалар сифатида қолаверади...

Афсуски, ҳозирги кунда тарих таълими (таълимнинг барча босқичларида) тарихий тадқиқотлардан орқада қолмоқда. Бошқача қилиб айтганда тарих фанлари соҳасида эришилаётган илмий янгилик ва натижалар тарих таълимига татбиқ этилмай қолмоқда ёки бу иш кўп ҳолларда кечикмоқда. Мисол учун, биз ҳануз аввалги маълумотларга асосланиб, олий таълимда ҳам мактабда ҳам Ўзбекистон тарихи дарсларида Фарғона Хуросон ноибни Қутайба ибн Муслим томонидан 715 йилда тўла забт этилган, деб ўқитяпмиз. Ваҳоланки, сўнгги йиллардаги илмий тадқиқотлар натижасида водий ҳудуди араблар томонидан 776 йилда тўла эгалланган [5: 7]лиги исботлаб берилди. Ёки юқорида қайд этилганидек, ҳануз бизнинг ўқув адабиётларимизда 1667 йилда вафот этган Якоб Голиус Фарғонийнинг «Китоб фи усул илм ан-нужум» асарини 1669 йилда чоп қилган ношир сифатида кўрсатилмоқда, X асрнинг иккинчи ярмидаёқ Европа илм аҳлига маълум бўлган Хоразмий асарлари эса Европага XII асрда кириб борган, деб ўқитилмоқда. Бу мисоллар бизнинг тадқиқот соҳамизга оид ва ўзимиз шахсан билган, манбалар асосида таҳлил қилиб кўрган кам сонли маълумотлардир. Агар, бир календар йили давомида сўнгги йилларда 50 дан ортиқ тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари ҳимоя қилинаётганлиги ва уларнинг ҳар бирида камида 4 тадан илмий янгилик қайд этилаётганлиги инобатга олинса ва бу янгиликларнинг тенг ярмини таълимга татбиқ этиш зарурати бўлганда тақдирда ҳам ҳар ўқув йилида 100 га яқин илмий янгилик ўқув адабиётларида ўз аксини топиши керак бўлар эди. Лекин, афсуски бу янгиликларнинг асосий қисми диссертациялар ва уларнинг авторефератларида қолиб кетмоқда. Бу борада мактаб дарсликларига масъуллар дарсликларни янгиликлар билан бойитишга эмас, уларни ранг-баранг ва жозибадорлигини оширишга куч сарфлашаётган бўлсалар, илмий янгиликларни қайд этаётган тарихчиларимиз, академик тарих – тарих таълимидан фарқ қилиши керак, деб ўз асарларини имкон қадар мураккаб тилда яратишмоқда. Бошқа қилиб айтган бугунги кундаги тарихий тадқиқотлар тарихчилар учун амалга оширилмоқда ва соҳадаги илмий янгиликлар ҳам фақат уларнинг ўзигагина маълум бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, тарих фани нафақат бир гуруҳ олимларни балки жамиятнинг бутун бир қатламини ҳақиқий тарих билан таништириши лозимдир.

Тарихий жараёнлар ўзаро солиштирилса, давлатимиз томонидан илм-фанга қаратилаётган бугунги эътибор IX–XII асрларда мусулмон Шарқида, шу жумладан Марказий

Осиё худудиди ҳамда Амир Темур ва темурийлар даврида олимларга кўрсатилган эътиборга ўхшайди. Шунинг учун ҳам сўнгги пайтларда Биринчи, Иккинчи ва Учинчи Ренессанс тушунчалари кенг илмий истеъмолга кирди. Бироқ, аввалги икки даврдан фарқли равишда бугун олимлик рутбасига тезроқ ва осонроқ эришишга уринувчилар анча кўпайди. Бунинг натижасида, маҳаллий тарих фанида бизнинг наздимизча энг хавфли жараён юз бермоқда. Аниқроғи, академик тарих фани мутахассислари, яъни соф тарихчилардан кўра, фақат диплом учун диссертация химоя қилаётган ҳаваскор тарихчилар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Айни жиҳатлар авлодлар алмашинуви жараёнида миллий тарих фани келажаги хавф остида қолмасмикин, деган хавотир туғдириши табиий албатта.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадқиқот олиб бориш учун қулайлик яратиш баробарида, яратилаётган ишларнинг моҳияти, савияси ва сифати, бир сўз билан айтганда олимлик даражасига эришиш учун қўйилаётган талаблар юқорироқ белгиланиши лозим. Чунки, илм-фан ва таълимда қўлланилаётган инновациялар деградацияга эмас, балки тараққиётнинг янги босқичига олиб бориши зарур. Бундан ташқари, илмий салоҳият илмий даражалиларни даражасизлар сонига тўғри келишига қараб эмас, яратилган илмий янгиликни жамият тараққиёти учун қандай ҳисса қўша олиши, тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятига кўра ўлчаниши лозим.

4. Хулосалар:

Аслида, юқорида илгари сурилган фикр-мулоҳазалар тарих соҳасида юз бераётган жараёнларни, уларнинг гувоҳи ва кичик бир иштирокчиси сифатидаги таҳлилий хулосаларимиздир. Шу сабабдан хулосаларга хулоса ясаш биров ноўрин бўлишини инобатга олиб, мақолада илгари сурилган қарашлар бизнинг тадқиқотчи сифатидаги шахсий хулосаларимиз эканлигини, айни масалалар юзасидан ҳар қандай форматдаги илмий мунозара ва муҳокамага очиқ ҳамда тайёр эканлигимизни қайд этишнинг ўзи етарли, деб ҳисоблаймиз.

Изоҳлар:

^{*1}Италян солномачиси ва илоҳиётчи олими. Италиянинг Бергамо шаҳридаги графлар оиласида таваллуд топган. Турли йилларда Брешиа, Венеция, Флоренция ва Рим шаҳарларида истиқомат қилган. У юқоридаги асарини Брешиа шаҳрида ёзишни бошлаб, Венецияда якунига етказди.

^{*2}Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбидаги тарихий вилоят. Бугунги кунда Туркия Республикасининг таркибида ҳисобланади.

^{*3}Биз, ўрта аср европалик тарихчилар нима сабабдан Ибн Синони шоҳ сифатида тасвирлашганини аниқлаш мақсадида махсус тадқиқот олиб бориб, унинг натижаларини ўзимизнинг аввалги ишларимиз [4]да батафсил баён қилганмиз.

^{*4}Немис олими, шифокор ва солномачиси. Хариталарни китоб босиш ускунаси орқали чоп қилишни йўлга қўйган дастлабки европалик картографлардан ҳисобланади. 1460 йилда Лейпциг университетини ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича тамомлаган. Унинг юқоридаги асари 1493 йилда 12 июлда лотин тилида Нюрнбергда нашр қилинган. Шу йилнинг 23 декабрида асарнинг немис тилидаги таржимаси ҳам эълон қилинган. Унинг лотинча нусхаси кейинги даврларда «Liber Chronicarum» («Хронология китоби»), немисча таржимаси эса «Die Schedelsche Weltchronik» («Шеделнинг Жаҳон тарихи») номлари билан чоп этилган. Инглиз забон олимлар уни «Nuremberg Chronicle» («Нюрнберг хронологияси») деб номлашади. Асарда турли шаҳар ва манзилларнинг жойлашувига оид 1800 дан ортиқ харита ва суратлар мавжуд. Унинг асл қўлёзма нусхаси бугунги кунда Бавария давлат кутубхонасида (Nch/1493) сақланади.

^{*5}Француз астрологи ва файласуф олими. Франциянинг Меунг-сур-Лоире шаҳридан. Турли йилларда Англия, Шотландия, Ирландия, Италия, Миср, Швейцария бўйлаб саёҳатда бўлган. Астрология билан шуғулланганлиги боис сеҳргарликда айбланиб, доимий тақиб остида яшаган. Ҳатто Лион шаҳридаги уйида мавжуд бўлган кутубхонаси мусодара ҳам қилинган. Олимнинг юқорида асари француз тилида ёзилган. У ҳозирги кунда Франция миллий кутубхонасида Fr.1357 рақами билан сақланган бўлиб, унинг тўлиқ ҳолатдаги наشري

кўшимча изоҳлар билан Эрнест Викаршаймер (1880–1965) томонидан 1929 йилда Парижда эълон қилинган.

^{*6}Француз олими, давлат ва дин арбоби. 999–1003 йиллар оралигида Сильвестр II номи билан Рим папаси сифатида фаолият юритган. Олимнинг математикага доир «Epistola ad Adelboldum de causa diversitatis arearum in trigono aequilatero, geometrice arithmeticeque expenso» («Тенг ёнли учбурчакда майдонларини турлича бўлишининг сабабини геометрик ва арифметик усулларда аниқлаш тўғрисида Аделболдуга нома»), «De geometria» («Геометрия тўғрисида»); астрономияга доир: «Epistola ad Constantinum monachum Floriacensem de sphaere constructione» («Куббаларнинг тузилиши тўғрисида Константин ва руҳоний Флерига нома»), «Liber de asturlabia» («Астурлоб ҳақида китоб»); фалсафага оид: «De corpore et sanguine Domini» («Хўжайинларнинг танаси ва насли»), «De rationali et ratione uti» («Ақллилик ва ақлдан фойдаланиш») каби асарлари мавжуд.

^{*7}лотинча «Abacus» – бу арифметик ҳисоб-китобларни бажариш учун мўлжалланган мосламадир. Тахминан, мил. авв. V асрда Қадимги Юнонистон ва Римда ишлатила бошланган. Бироқ, илк ўрта асрларга келиб абак тахтаси муомаладан чиқади. Маълумотларга кўра, айнан Герберт уни фанга қайтадан жорий қилган.

^{*8}XII асрда ижод қилган инглиз тарихчиси. Асли Англиянинг Уилтшир шаҳридан. «De Gestis regum Anglorum» асари 5 та китобдан иборат бўлиб, унинг дастлабки қисмлари 1125 йилда яратилган. Асар англосакс қабилаларини Британия оролига кўчиб келишларидан то кирол Генрих I нинг (1100–1135) ҳукмронлигини сўнгига қадар бўлган давр воқеаларини ўз ичига олади. Асарнинг биринчи китоби 1998 йилда, иккинчи китоби эса 2002 йилда янги таҳрирда инглиз тилида Оксфордда чоп этилган. Мутахассисларнинг фикрича, Уильямнинг ушбу асари ўрта асрларда лотин тилида яратилган тарихга оид энг мукамал ва ишончли манба ҳисобланади.

^{*9}Аслида – Alchoarithmus, яъни ал-Хоразмий. Герберт мактубда Муҳаммад ёки Мусо исмларидаги бош ҳарфни ал-Хоразмий сўзига кўшиб юборган бўлиши мумкин.

Иқтибослар / Сноски / References:

1. Матвиевская Г.П., Розенфельд Б.А. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды. В 3-х т.– Москва: Наука, 1983. – Т. 2. – 650 с.
2. Маҳмудов О.В. Ўрта Осиё мутафаккирлари асарларининг Европадаги таржималарига доир айрим мулоҳазалар // «O‘zbekiston tarixi» илмий журнали. – Тошкент, 2016. – № 4. – Б. 87–96.
3. Маҳмудов О.В. Фарғонийнинг «Китоб фи усул илм ан-нужум» асари ношири ким ? // Ёш шарқшуносларнинг академик У.Каримов номидаги XVI Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент: Фан, 2019. – Б. 220–221.
4. Маҳмудов О.В. Лотин тили манбаларда Ибн Сино – европалик шоҳ сифатида: тасвирланишга сабаблар ва уларга оидликлар // Materials of scientific international conference on theme «Issues of the Central Asian History in World historiography». – Fergana, 2022. – P. 258–281.
5. Маҳмудов О.В. Марказий Осиё олимлари асарларининг Европада таржима этилишига оид маълумотларга тузатишлар // «Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда» мавзусидаги Республика III илмий анжумани материаллари. – Фарғона, 2014. – Б. 161–188.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. А ҳарфи. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2000. – 879 б.
7. Юлдашев С.Б. V – X асрларда Фарғона водийсидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар. / Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. – Андижон, 2021. – 52 б.
8. Alkindi. De intellectu – Fi’ al-‘aql. / Lat. tran. Domingus Gundisalvinus. – Roma: Capanela Pub., 1923. – 139 p.

9. Brockelmann C. Geschichte der arabischen Litteratur. / Erster supplementband. – Leiden: E.J.Brill, 1937. – 998 s.
10. Brockelmann C. Geschichte der arabischen Litteratur. / Zweiter supplementband. – Leiden: E.J.Brill, 1937. – 1070 s.
11. De Phares S. Recueil des plus célèbres astrologues et quelques hommes doctes. – Paris: H.Champion, 1929. – 307 p.
12. Foresti J.F. Supplementum Chronicorum Orbis, ab initio mundi ad annum 1482. – Venetiis: Bernardinus de Benaliis, 1486. – 557 p.
13. Gerbertus. De rationali et ratione uti. – Parigi: Baviera, 1678. – 243 p.
14. Gerbertus. Regule de abaco computi. – Nuremberg: A.Koberger, 1492. – 163 p.
15. Letters of Gerbert, with His Papal Privileges as Sylvester II. / Translated with an introduction by Harriet Pratt Lattin. – New York: Columbia University Press, 1961. – 145 p.
16. Malmesburiensis W. De Gestis regum Anglorum. – Londini: G.Bishop, R.Nuberie & R.Barker Typographij Regii, 1596. – 816 p.
17. Makhmudov O.V. Medieval European translators of the works of Muslim East scientists: from Gerbertus Aureliacus to Raymundus Lullius. – Cambridge: Cambridge University Press, 2022. – 132 p.
18. Mahmudov O.V. Studies of scientific works of Central Asian scholars in the medieval Spain: from al-Khwarizmi to Ibn Sina // Asian Journal of Social and Human Sciences. – 2020. – Vol. 5 (1). – P. 14–26.
19. Mahmudov O.V. «Hind hisobida qo‘shish va ayrish kitobi»ni lotin tiliga o‘g‘irgan Rim papasi xususida // Samarqand davlat universiteti ilmiy tadqiqotlar axborotnomasi. – Samarqand, 2017. – № 2. – B. 13–16.
20. Muhammedis Fil. Ketiri Ferganensis, qui vulgo Alfraganus dicitur, Elementa astronomica, Arabicè & Latinè. Cum notis ad res exoticas sive Orientales, quae in iis occurrunt opera Jacobus Golius. – Amstelodami, 1669. – 565 p.
21. Patrologia Latina. – Tomus CXXXIX (139). / Ed. J.P.Migne. – Paris: Apud G. Fratres, 1880. – 1880. – 838 p.
22. Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 1: From Homer to Omar Khayyam. – Baltimore: Carnegie Institution of Washington, 1927. – 839 p.
23. Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 2: From Rabbi ben Ezra to Roger Bacon, Parts I–II. – Baltimore: Carnegie Institution of Washington, 1931. – 796 p.
24. Sezgin F. Geschichte des arabischen Schrifttums. – Bd. I. Qur‘ānwissenschaften, ḥadīth, Geschichte, Fiqh, Dogmatik, Mystik. – Leiden: E.J.Brill, 1996. – 936 s.
25. Sezgin F. Geschichte des arabischen Schrifttums. – Bd. III: Medizin-Pharmazie, Zoologie-Tierheilkunde. – Leiden: E.J.Brill, 1996. – 498 s.
26. Sezgin F. Geschichte des arabischen Schrifttums. – Bd. IV. Alchimie-Chemie, Botanik-Agrikultur. – Leiden: E.J.Brill, 1996. – 399 s.
27. Sezgin F. Geschichte des arabischen Schrifttums. – Bd. V. Mathematik. 1974. – Leiden: E.J.Brill, – 515 s.
28. Sezgin F. Geschichte des arabischen Schrifttums. – Bd. VI. Astronomie. 1978. – Leiden: E.J.Brill, – 522 s.
29. Sezgin F. Geschichte des arabischen Schrifttums. – Bd. VII. Astrologie-Meteorologie und Verwandtes. – Leiden: E.J.Brill, 1979. – 486 s.
30. Suter H. Die Mathematiker und Astronomen der Araber und ihre Werke. – Leipzig: Druck und verlag von B.G.Teubner, 1900. – 289 s.
31. Schedel H. Registrum huius operis libri cronicarum cum figuris et imaginibus ab inicio mundi. – Nuremberg: A.Koberger, 1493. – 336 p.
32. <https://kun.uz/42247529>
33. <https://oak.uz/page/8>



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000